

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорларини бекор қилишга оид чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi тўғрисида”ги Қонунининг 20 моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармонида 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-хуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:
10 кун муддатда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат ҳисобига олинган, бироқ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига (LEX.UZ) жойлаштирилмаган қарорларни хатловдан ўтказсин ҳамда хатлов натижасида аниқланган ўз аҳамиятини йўқотган ва эскирган қарорларини белгиланган тартибда бекор қилиш чоралари кўрилсин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Матбуот хизмати (А.Ажимуратов) оммавий ахборот воситалари орқали мазкур қарор расмий эълон қилинишини ва Вазирлар Кенгашининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўз кучига кириши белгилаб қўйилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси вазирлеклари, давлат қўмиталари ва бошқа тегишли ташкилотлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлеклари норматив-хуқуқий ҳужжатларини белгиланган муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсинлар.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Н.Ерлепесов ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири С.Мамбеткадиров зиммаларига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгашининг Раиси

Қ.Сарiev

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қабул қилинган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари

РЎЙХАТИ

т/р	НҲҲ қабул қилган орган	НҲҲ номи
1	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши	“Республикадаги қоракўлчилик ширкат хўжаликлари балансида бўлган яйловлар ва бошқа объектлардан фойдаланганлик учун тўлов миқдорларини белгилаш ҳақида”

2	Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi	Қарақалпоғистон Республикаси ҳудудида қирғовулларни ҳимоя қилиш ва уларнинг сонини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида
3	Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi	"E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умурбод эгалик қилиш хуқуқини (0,01 га майдонга) сотишнинг 2019 йил IV чораги учун бошланғич баҳосини тасдиқлаш тўғрисида
4	Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi	"E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умурбод эгалик қилиш хуқуқини (0.01га майдонга) сотишнинг 2020 йил 1-чораги учун бошланғич баҳосини тасдиқлаш тўғрисида
5	Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi	Қарақалпоғистон Республикаси қирғовуллар бош сонини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида
6	Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi	"E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида якка уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умурбод эгалик қилиш хуқиқини(0.01 гамайдонга) сотишнинг 2020 йил III чорак учун бошлонғич баҳосини тастиклаш тўғрисида
7	Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi	"E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида якка уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умурбод эгалик қилиш хуқиқини(0.01 гамайдонга) сотишнинг 2020 йил IY чорак учун бошлонғич баҳосини тастиклаш тўғрисида

